

<i>Ташкилот номи:</i>	Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги юридик техникумлари
<i>Таркибий бўлинма номи:</i>	Умумтаълим фанлар кафедраси
<i>Танлов босқичи:</i>	Сухбат
<i>Савол йўналиши:</i>	Амалиётда кўп учрайдиган муаммоли ҳолатлар (50 та)

1. Ёш мутахассис биринчи суд ишини кўриб чиқаётганида жуда мураккаб ишни қарорини қабул қилишига тўғри келди. Бунда Англия судларини қоидаларига риоя қилган ҳолда, олдинги шунга ўхшаш ишларга малакали судьялар қандай қарорлар чиқарганини кўриши ва улардан хулоса қилиши учун қандай йўл тутиши керак. Архивлардан ишларни кўтариш ва запрос бериши учун анча вақт кетади. Қарорни эртага чиқариши керак. Муаммони ечимини ва натижаларини беринг. Амаллар тўлиқ изоҳлансин.

2. Сунъий интеллект(СИ)ни қўллашнинг энг муҳим усулларида бири – юристларга ҳуқуқий тадқиқотларни тадқиқ қилишда ёрдам беришдир. Нейро-лингвистик дастурлаш (НЛП) имкониятларидан фойдаланиб, замонавий дастурлар муҳокама мавзусига тегишли бўлиши мумкин бўлган нарсаларни тушуниш учун тез ва самарали ишларни ва қарорларни тартиблайди. Бундан ташқари, маълумотлар ва алгоритмлардан фойдаланиб, СИ суд ишлари натижаларини олдиндан башорат қилиши мумкин. Савол: суд тизими фаолиятини таҳлил қилиб, “сунъий интеллект”га қандай хизматларни ўтказишни таклиф қилган бўлардингиз? Муаммони аниқ белгиланг ва технологик ечим учун алгоритм кетма-кетлигини келтиринг.

3. Фуқаро В. турмуш ўртоғи билан никоҳи бекор бўлгандан сўнг икки йил давомида етти ёшли қизи учун алимент олди. Кейин у бола учун пул жўнатишни тўхтатди ва бошқа ёрдам бермади. Қизи йигирма ёшга тўлаганида фуқаро В. ўқишга кирганлиги туфайли университетда қизининг таълим учун тўлаш керак, барча ўтган вақт (2001-йилдан буён) учун унинг собиқ эри алимент боқимандалик тиклаш учун судга мурожаат қилди. Саволи: Фуқаро В. қизи учун алимент ундириш, шунингдек алимент тўлашнинг бутун муддати давомида фоиз олиш ҳуқуқига эгами? Унинг саволига жавоб топиш учун қандай ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда манбалардан фойдаланиши мумкин?

4. Ахборотга ким эгалик қилса, дунёга ҳам эгалик қилади. Ёрдамчи менежер учун маълум билимларга эга бўлиш истаги касбий заруриятни тақозо этади. Фойдали маълумотларни олиш қобилияти шахсий ёрдамчи ишидаги асосий нарсалардан биридир, чунки ҳар доим ҳам ҳақиқий ёки керакли маълумотлар юзада ётмайди. Сўров орқали маълумот кидирганда қандай тегишли маълумотларни топиш мумкин: * Ташкилот раҳбари ёки жисмоний шахснинг тўлиқ номи; * Компания телефон рақами ёки мобил

телефон рақами орқали сўров. Олишингиз мумкин бўлган маълумотлар рўйхатини беринг.

5. Сизга “Электртармоқ-монтаж ҳолатлари” МЧЖдан шартнома тақдим этилди ва шартномага асосан тўловни амалга оширишни сўради. Сизга бундай ҳужжатни тақдим этган шахс, улар электр кабеллари ва электр тармоқларининг хавфсизлигини текшириш учун пул тўлашлари кераклигини даъво қилмоқда. Бу ҳолатда нима қиласиз? Жавобингизни тушунтиринг. Бу масалага ойдинлик киритиш учун кимга мурожаат қиласиз?

6. Роботлаштириш (автоматлаштириш) ўрта маълумотли ходимларга ёки ёш ходимларга кўпроқ салбий таъсир кўрсатади. Яъни оддий иш қиладиган одамларга таъсири катта бўлади. Башоратлар бўйича 2026-йилга келиб сунъий интелектли роботлар мактаб иншоларини инсонлардан кўра яхшироқ ёзишни бошлайди, 2027-йилга келиб юк машинасини яхшироқ бошқара олади, 2031-йилга келиб сотувчи сифатида ишлаши, 2049-йилда энг кўп сотиладиган китобни ёзиши мумкин ва 2053-йилда жаррохлик операциялари қилиш мумкин бўлади. Савол: Қайси соҳалар (касблар ва ҳ.к.) Ўзбекистонда йўқолиб кетиш хавфи билан юзлашмоқда? Ва аксинча, оптималлаштириш ва автоматлаштириш, рақамли ҳолатга ўтиш туфайли қандай янги соҳалар (касблар) пайдо бўлади?

7. Ҳар қандай шахсга зудлик билан юрист маслаҳати керак бўлиши мумкин. Бу ҳолат қандай муаммолигидан қат’ий назар хоҳ у тижоратга тааллуқли, оила, иш берувчи ёки қўшнилар билан муносабатлар бўлиши мумкин. Кутилмаган вазиятда, сиз кимга ёрдам учун мурожаат қилишни билмаслигингиз мумкин. Вазият. Сиз биринчи курс талабасисиз. Муайян ҳолатлар туфайли шартнома учун пул тўлай олмайсиз. Сизга академик таътил олиш тавсия этилади. Қандай қилиб академик таътил олиш ҳақида маълумот оласиз? Бу вазиятни ҳал қилишда, онлайн хизматларни қайси туридан фойдаланиш ўринли. Бу вазиятни таҳлил қилинг: муаммони аниқлаш, бу ҳолда ҳаракатлар алгоритмининг тузинг. Бу вазиятни ҳал қилишда, онлайн хизматларни қайси туридан фойдаланиш ўринли. Танловингизни изоҳланг.

8. Электрон жадвалда 1200 нафар жисмоний шахсга оид маълумотлар жамланган рўйхат берилган. Рўйхатдаги ҳар бир жисмоний шахснинг фамилияси, исми ва шарифи алоҳида катакчаларда берилган, я’ни ф.и.ш.лар учта устунда расмийлаштирилган бўлиб, бу, жадвални МБ (маълумотлар базаси)га конвертация қилишда ноқулайлик туғдиради. Рўйхатдаги ф.и.ш.ларни битта устунга ўтказишнинг тез амалга ошириш йўлини кўрсатинг. Ечим (ҳатти ҳаракатларингиз)нинг ҳар бир қадамини бирма бир баён этинг.

9. Бугунги кунга келиб рақамли ва сунъий интеллектни (СИни) ривожланиши бутун дунёда муҳим воқеа ва шов-шувларга сабаб бўлмоқда. XXI асрнинг муҳим сунъий интеллектли “Рақамли шахси” Софияни жамиятдаги ўрни ва аҳамиятини олимлар, омма томонидан қандай қабул қилинди? Бундай “рақамли шахс”лар ҳозирги XXI аср учун керакми деган қарама-қаршилиқлар туғилишига сабаб бўлди. 2017-йилда яратилган Софияни яратувчиси Девид Хансон бу ҳақида шундай фикрда “ .. яқин келажакда сунъий интеллект сезиларли даражада яхшиланади ва чинакам тирик, онгли, ижодий ва ўзини такомиллаштириштиради...агар бу содир бўлса, сунъий интеллектнинг ривожланиши катта “портлашга” олиб келади...сунъий ақл асосийси одамларни тушуниши ва уларга ғамхўрлик қилишни ўрганиш муҳимдир...”. “Рақамли шахс”га ўз фикрингизни билдиринг ва бундай СИ эгаси юридик соҳага қўлланишига қандай қарайсиз? Судя вазифасини бажаришга фикрингизни билдиринг.

10. Айтайлик, ҳамкасбларга хизмат сафари чоғида муҳим ҳужжатни масофадан туриб биргаликда тайёрлаш эҳтиёжи туғилди, ҳужжат бир бирдан олисдаги икки нафар ходим томонидан тез фурсатларда биргаликда сўнгги таҳрирда тайёрланиб тақдим этилиш лозим, табиийки, бунда чат ёки бошқа алоқа воситасидаги мулоқот билан бирга “Google документ” иловаси асқотади. Мазкур иловада ҳужжатни оний вақт режимида биргаликда тайёрлаш учун ходимлар қандай йўл тутишлари керак? “Google документ” иловасида ҳужжат устида биргаликда ишлашга рухсат бериш тартибини баён этинг.

11. Ҳар қандай шахсга зудлик билан юрист маслаҳати керак бўлиши мумкин. Бу ҳолат қандай муаммолигидан қатъий назар ҳоҳ тижоратга тааллуқли, оила, иш берувчи ёки қўшнилари билан муносабатлар бўлиши мумкин. Кутилмаган вазиятда, сиз кимга ёрдам учун мурожаат қилишни билмаслигингиз мумкин. Вазият. Сиз (ёки сизни дўстингиз) бизнесни ёълга қўйиш ниятидасиз. Бизнес ҳуқуқий маслаҳат беришга асосланган. Сиз бизнесни рўйхатга олиш шакли ва тўланиши керак бўлган солиқ турлари билан қизиқасиз. Бу вазиятни таҳлил қилинг: муаммони аниқланг, бу ҳолда ҳаракатлар алгоритминини тузинг. Бу вазиятни ҳал қилишда, онлайн хизматларни қайси туридан фойдаланиш ўринли. Танловингизни изоҳланг.

12. Сунъий интеллектни (СИни) қўллаш билан боғлиқ энг муҳим усуллардан бири- юристларга ҳуқуқий тадқиқотларни тадқиқ қилишда ёрдам беришдир. Нейро-лингвистик дастурлаш имкониятларидан фойдаланиб, замонавий дастурлар муҳокама мавзусига тегишли бўлиши мумкин бўлган нарсаларни тушуниш учун тез ва самарали ишларни ва қарорларни тартиблайди. Бундан ташқари маълумотлар ва алгоритмлардан фойдаланиб, СИ суд ишлари натижаларини олдиндан башорат қилиши мумкин.

Савол: суд тизими фаолиятини таҳлил қилиб, сунъий интеллектга қандай хизматларни ўтказишни таклиф қилган бўлардингиз?

13. Компания раҳбарига кўнғироқ бўлди. Аниқ рақамдан ва мурожаат қилаётган шахс ўзини таништирди. Компания раҳбари ёрдамчидан қайси компаниядан кўнғироқ қилганликларини аниқлаш вазифаси берилди. Интернет қидирув тизимлари билан ишлаш бўйича бошланғич маълумотлар ва кўникмаларга эга бўлган ёрдамчи менежер ҳозирда зарур бўлган маълумотларни топиши ёки қўшимча сўровлар учун қўшимча маълумотлар олиши ва "ахборот текшируви"ни давом эттириши керак. Ёрдамчи менежер томонидан телефон рақами орқали олиши мумкин бўлган маълумотлар рўйхатини беринг.

14. Роботлаштириш (автоматлаштириш) ўрта маълумотли ходимларга ёки ёш ходимларга кўпроқ салбий таъсир кўрсатади. Яъни оддий иш қиладиган одамларга таъсири катта бўлади. Башоратлар бўйича 2026-йилга келиб сунъий интелектли рототлар мактаб иншоларини инсонлардан кўра яхшироқ ёзишни бошлайди, 2027-йилга келиб юк машинасини яхшироқ бошқара олади, 2031-йилга келиб сотувчи сифатида ишлаши, 2049-йилда энг кўп сотиладиган китобни ёзиши мумкин ва 2053-йилда жаррохлик оператсиялари қилиш мумкин бўлади. Савол: қайси соҳалар (касблар ва ҳ.к.) Ўзбекистонда йўқолиб кетиш хавфи билан юзлашмоқда? Ва аксинча, оптималлаштириш ва автоматлаштириш, рақамли ҳолатга ўтиш туфайли қандай янги соҳалар (касблар) пайдо бўлади?

15. Мутахассислар 1970-йилдан 2011-йилгача бўлган даврда 17 та мамлакат иқтисодиётининг 28 та секторидаги 71 та ишлаб чиқаришнинг инкирозсиз пасайиши ёки иқтисодий ўсишнинг секинлашуви бўйича маълумотларни таҳлил қилдилар. Таҳлил бир хил қонуният асосида ўзгарганини кўрсатди. Ялпи ички маҳсулот ўсиши секин тикланаётган бўлса, меҳнат бозори сезиларли даражада ёмонлашганини кўрсатди. Бу саноат автоматлаштирилиганлигидан қатъи назар. Шундан келиб чиқиб мутахассислар автоматлаштириш меҳнат бозорининг пасайишига асосий сабаб эмас, деган хулосага келишди.

Автоматлаштириш иш ўринларининг қисқаришига олиб келадими? Фикрларингизни асослаб беринг.

16. Автоматлаштиришнинг ишлаб чиқаришда қўлланиши ишчи ўринларининг қисқаришига сабаб бўлмайди, чунки унда фойдаланиладиган ҳар қандай техникани инсон бошқаради. Сизнингча, сунъий интеллектнинг ўрни бу борада қандай?

17. Технологиядаги ютуқлар юридик фирмаларнинг ўз мижозларига хизмат кўрсатиш учун янада самарали стратегияларни ишлаб чиқишлари

учун янги имкониятлар очиб берди. Бозорда сезиларли машҳурликка эга бўлган асосий технологик ютуқлар қаторига сунъий интеллект (СИ) киради.

Нотариал идора фаолиятини таҳлил қилиб, “сунъий интеллект”га қандай хизматларни ўтказишни таклиф қилган бўлардингиз? Муаммони аниқ белгиланг ва технологик ечим учун алгоритм кетма-кетлигини келтиринг.

18. Ҳар қандай шахсга зудлик билан юрист маслаҳати керак бўлиши мумкин. Бу ҳолат қандай муаммолигидан қатъий назар хоҳ у тижоратга тааллуқли, оила, иш берувчи ёки қўшнилар билан муносабатлар бўлиши мумкин. Кутилмаган вазиятда, сиз кимга ёрдам учун мурожаат қилишни билмаслигингиз мумкин. Вазият. Сиз биринчи курс талабасисиз. Муайян ҳолатлар туфайли шартнома учун пул тўлай олмайсиз. Сизга академик таътил олиш тавсия этилади. Қандай қилиб академик таътил олиш ҳақида маълумот оласиз? Бу вазиятни ҳал қилишда, онлайн хизматларни қайси туридан фойдаланиш ўринли. Бу вазиятни таҳлил қилинг: муаммони аниқлаш, бу ҳолда ҳаракатлар алгоритминини тузинг. Бу вазиятни ҳал қилишда, онлайн хизматларни қайси туридан фойдаланиш ўринли. Танловингизни изоҳланг.

19. Ажралиш тартиби билиш учун ахборот технологияларидан қайси имкониятларидан фойдаланиш керак? Аниқ изоҳланг.

20. Фуқаро А. ишга олинishi даврида судланганмаганлик ҳақидаги маълумотномани тақдим қилинишини талаб қилишди. Бунинг ҳуқуқий асосини ва ахборот технологиялари қайси имкониятларидан фойдаланиб судланганмаганлик ҳақидаги маълумотномани олиш мумкин?

21. Фуқаро Р. турмуш ўртоғи билан никоҳини бекор қилишни хоҳлайди. Савол: Ажралиш тартиби қандай эканлигини билиш учун ахборот технологияларидан қандай фойдаланишимиз мумкин.

22. Сунъий интеллект (СИ) орқали иш унумдорлиги ва сифати ошиб бораётганлиги талабни янада ошишига олиб келмоқда. Бу борада дунёда олиб борилаётган тадқиқотларни ҳуқуқий соҳадаги ахамиятини изоҳланг.

23. Сунъий интеллект орқали ҳуқуқий соҳадаги ўзгаришлар хорижий давлатлардаги олимлар фикрига кўра қандай ўзгаришларга олиб келиши мумкин? Таҳлил қилинг ва ўз фикрингизни билдиригиз.

24. Иқтисодий судларда иш кўриш даврида хорижда сафарда бўлган мутахассис on-line судга қандай мурожаат қилиши мумкин?

25. Мутахассислар 40 йил даврда бир қатор мамлакат иқтисодиётининг турли секторидаги ишлаб чиқаришнинг инқирозсиз

пасайиши ёки иқтисодий ўсишнинг секинлашуви бўйича маълумотларни таҳлил қилдилар. Таҳлил бир хил қонуният асосида ўзгарганини кўрсатди. Саноат автоматлаштиришдан қат’и назар ушбу мамлакатларда ялпи ички маҳсулот ўсиши секин тикланаётганини кузатишди, меҳнат бозори сезиларли даражада ёмонлашганини кўрсатди. Шундан келиб чиқиб, мутахассислар автоматлаштириш меҳнат бозорининг пасайишига асосий сабаб эмас, деган хулосага келишди.

Автоматлаштириш иш ўринларини қисқартиришга олиб келадими? Асослаб беринг фикрларингизни.

26. Махфий ахборот ёқотилиши билан боғлиқ ҳодисалар сони йил сайин ошиб бормоқда. Россия, АҚШдан кейинги муҳим маълумотларнинг тарқалиши бўйича дунёда иккинчи ўринда туради. 92% ҳолларда миждозлар, ҳамкорлар ва компаниялар ходимларининг махфий шахсий маълумотлари оммага ошкор этилади. 55% ҳолларда, ошкор этган айбдорлар жорий ёки собиқ ходимлари бўлиб чиқади.

Тадбиркорлар қандай қилиб ўзларининг ахборотлари бутунлигини ҳимоя қилишлари ва ходимлари билан яхши муносабатларни сақлаб қолишлари мумкин? Қандай усуллар мавжуд?

27. Сизга “Электр тармоғи” МЧЖ томонидан шартнома тақдим этилди ва шартномага мувофиқ тўловни амалга оширишни сўрашди. Сизга бундай ҳужжатни тақдим этган шахс электр кабеллари ва электр узатиш линияларининг хавфсизлигини текшириш учун улар учун пул тўлашингиз кераклигини даъво қилмоқда. Бундай вазиятда нима қиласиз? Жавобингизни тушунтиринг. Ушбу масала бўйича кимга аниқлик киритиш учун муурожаат қиласиз?

28. Айтайлик, ҳамкасбларга хизмат сафари чоғида муҳим ҳужжатни масофадан туриб биргаликда тайёрлаш эҳтиёжи туғилди, ҳужжат бир биридан олисдаги икки нафар ходим томонидан тез фурсатларда биргаликда сўнгги таҳрирда тайёрланиб тақдим этилиш лозим, табиийки, бунда чат ёки бошқа алоқа воситасидаги мулоқот билан бирга “Google Docs” иловаси асқотади. Мазкур иловада ҳужжатни оний вақт режимида биргаликда тайёрлаш учун ходимлар қандай йўл тутишлари керак? “Google Docs” иловасида ҳужжат устида биргаликда ишлашга рухсат бериш тартибини баён этинг.

29. Қандай қулайликлар яратиши мумкин? Уларнинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш имкониятларига ўз фикрингизни билдириш. Бизнес ҳужжатларни булутда сақлашга бўлган фикрингизни келтириш. Сизни фикрингизни ўзгаришига таъсир қилдиган омилларни изоҳланг ва булутли технологияларни SWOT таҳлил қилинг.

30. Ҳар қандай шахсга зудлик билан юрист маслахати керак бўлиши мумкин. Бу ҳолат қандай муаммолигидан қатъи назар хоҳ у тижоратга тааллуқли, оила, иш берувчи ёки қўшнилар билан муносабатлар бўлиши мумкин. Кутилмаган вазиятда, сиз кимга ёрдам учун мурожаат қилишни билмаслигингиз мумкин. Вазият. Никоҳ муносабатларига киришиш ниятидасиз. Қаерда ва қандай қилиб никоҳ шартномаси ҳақида дастлабки маълумотлар олиш мумкин? Бу вазиятни ҳал қилишда, онлайн хизматларни қайси туридан фойдаланиш ўринли. Бу вазиятни таҳлил қилинг: муаммони аниқлаш, бу ҳолда ҳаракатлар алгоритмини қуриш. Бу вазиятни ҳал қилишда, онлайн хизматларни қайси туридан фойдаланиш ўринли. Танловингизни изоҳланг.

31. Ахборотга ким эгалик қилса, дунёга ҳам эгалик қилади. Ёрдамчи менежер учун маълум билимларга эга бўлиш истаги касбий заруриятни тақозо этади. Фойдали маълумотларни олиш қобилияти шахсий ёрдамчи ишидаги асосий нарсалардан биридир, чунки ҳар доим ҳам ҳақиқий ёки керакли маълумотлар юзада ётмайди. Қуйидаги сўров орқали маълумот қидирганда қандай тегишли маълумотларни топиш мумкин:

* Ташкилот раҳбари ёки жисмоний шахснинг тўлиқ номи;

* Компания телефон рақами ёки мобил телефон рақами орқали сўров. Олишингиз мумкин бўлган маълумотлар рўйхатини беринг.

32. Сиз компьютер ёки мобил ўйинларни ўйнайсизми? Ўйинлар қандай кўникмаларни ривожлантиради деб ўйлайсиз? Сизнинг фикрингизча, ўйинларни ўқитишда, яъни таълимда, масалан, ҳуқуқшунослик ёки иқтисодий фанларни ўқитишда қўллаш мумкинми? Ўйинлар ва ўйин техникаси хатти-ҳаракатларга қандай таъсир қилади?

33. Одатда, роботлар деганда, кўпчиликнинг кўз олдига инсонлардек гаплаша оладиган, уларнинг ўрнига барча юмушларни бажара оладиган ёрдамчилар келади. Аммо бу нисбатан кенгроқ тушунча. Аслида, мобил қурилмангиздаги дастурлар: гугле-таржимон, луғатлар, турли хил ўйинлар ва ҳоказолар ҳам сунъий интеллектга яққол мисол бўла олади. Фақат уларнинг қамрови кичикроқ бўлиб, маълум бир йўналишдагина сизга ёрдам бера олади. Яъни, бажармоқчи бўлган амалларингиз турига қараб тегишли дастурдан фойдаланасиз.

Савол: Сунъий Интеллект инсониятга фойда келтирадимми ёки зарар? Бу ҳақда қандай фикрдасиз?

34. Билл Гейтснинг қуйидаги фикрини изоҳланг ва ўз фикрингизни баён этинг: “Ҳар қандай технологиянинг бизнесдаги биринчи қоидаси шундаки, самарали операцияларни автоматлаштириш самарадорликни оширади. Иккинчи қоида: самарасиз фаолиятни автоматлаштириш самарасизликни оширади.

Билл Гейтснинг бу фикрини қандай изоҳлайсиз?

35. 2011 йил март ойида бошланган case A - Дехлида жойлашган дастурий таъминот ечимларини етказиб берувчи махсус компания. Компания мижозлар учун дастурий таъминот ечимларини лойиҳа асосида ишлаб чиқиш ва созлаш билан шуғулланади ва ташқи манбалар билан техник ва бизнесни қўллаб-қувватлайди. Компаниянинг асосий бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳаларига ИТ-консалтинг, веб-дизайн ва ишлаб чиқиш, мобил дастурларни яратиш, дастурий таъминотни ишлаб чиқиш, робототехника ва интернет-маркетинг киради. Компания 50 кишидан иборат ходимлар базасига эга ва у қўллаб соҳалардаги мижозларни, шу жумладан аерокосмик, автомобилсозлик, истеъмол товарлари, озиқ-овқат, металл ишлаб чиқариш, тиббиёт, фармацевтика ва қуёш батареялари ва бошқаларни қамраб олади.

Савол: Ахборот хавфсизлиги ташкилотнинг ишига таъсир кўрсатадими? Изоҳ беринг.

36. Case B - 1986 йил июлда ташкил этилган, Ҳиндистондаги йирик ҳукумат муассасаларидан бирининг ИТ тизимлари, маҳсулотлари ва хизматларини лойиҳалаш, ишлаб чиқиш, жорий этиш ва сақлаш билан шуғулланадиган автоном ташкилот. Кенгаш томонидан бошқариладиган ташкилот энг юқори ҳокимият сифатида Бошқарувчи директорга эга. 800 ходим билан ишлайдиган компаниянинг асосий функциялари қуйидагилар: ИТ-ечимларни тақдим этиш, умумий ахборот тизимини бошқариш ва бош ташкилотга ИТ-консалтинг хизматларини кўрсатиш. Бош офиси Нью-Дехлида жойлашган ташкилот Ҳиндистоннинг бошқа бешта шаҳрида минтақавий ваколатхоналарига эга.

Савол: ташкилот учун муҳим активлар нималардан иборат? Жавобингизни изоҳланг.

37. Ўрин алмаштириш эффекти" усулига асосан: мунтазам такрорланувчи, қатъий белгиланган вазифаларни инсонларни ўрнига роботлар бажармоқда, бу эса янада мураккаб ва/ёки ижодий ёндашадиган ходимларга талабни оширмоқда. Натижада "унумдорлик самараси" юзага келади.

Савол: "унумдорлик самараси" га қандай эришиш мумкинлигини тушунтиринг? Мисоллар келтиринг ва жавобингизни асослаб беринг.

38. Фуқаро В. турмуш ўртоғи билан никоҳи бекор бўлгандан сўнг икки йил давомида етти ёшли қизи учун алимент олди. Кейин у бола учун пул жўнатишни тўхтатди ва бошқа ёрдам бермади. Қизи йигирма ёшга тўлганида фуқаро В. ўқишга кирганлиги туфайли университетда қизининг таълим учун тўлаш керак, барча ўтган вақт (2001 йилдан буён) учун унинг собиқ ери алимент боқимандалик тиклаш учун судга мурожаат қилди.

Савол: Фуқаро В. қизи учун алимент ундириш, шунингдек алимент тўлашнинг бутун муддати давомида фоиз олиш ҳуқуқига эгами? Унинг саволига жавоб топиш учун қандай ахборот технологиялари манбалардан фойдаланиши мумкин?

39. Махфийлик тушунчаси анонимлик тушунчаси билан бевосита боғлиқ, баъзан сайтга “иногнито” режимида ташриф буюришингиз керак бўлган ҳолатлар мавжуд

Савол: “иногнито режими” нима ва қандай қилиб веб-сайтга ташриф буюришни тушунтиринг. Ушбу режимнинг афзалликлари ва камчиликлари қандай?

40. Ҳуқуқшунослик йўналишини тамомлаган фуқаро А. юридик фирма очишга қарор қабул қилди. Фирмада қанақа даражадаги (ёки категорияли) лавозимлар бўлиши керак? Улар қанчалик ваколат ва масулиятга эга бўлиши керак? Қандай тизим юқоридаги масалаларни ҳал қилишни ўз ичига олади?

41. Ҳозирги кундаги ҳаётимизнинг ажралмас қисми бўлган интернет ва технологиялар яхши фойдали жиҳатлари билан бирга бир қатор кераксиз ва зарарсиз жиҳатлари ҳам бор албатта. Бундай жиҳатлар номақбул маълумотлар алмашинувида намоён бўлади. Номақбул маълумотлар алмашинувини блокировка қилувчи қандай технологиялар мавжуд.

42. E-sud.uz сайтнинг статистик маълумотлари берилган ушбу маълумотларни йиллар бўйича ва 1 йиллик кўринишда жадвалда келтирилган маълумотларни визуаллаштириб беришингиз учун қайси дастур ва дастурнинг имкониятидан фойдаланасиз? Визуаллаштириш босқичларини изоҳлаб беринг.

43. Визуализация (ҳуқуқий) маълумотларни тушунишда қандай ёрдам бериши мумкин? Ҳуқуқий башоратга қандай тахминлар киради?

44. Юридик маълумот қидирув тизимларининг глобал қидирув тизимларидан фарқи нимада? Ҳар бирини изоҳланг. (Юридик маълумот қидирув тизим нима? Глобал қидирув тизим нима?)

45. Никоҳ муносабатларига киришиш ниятидасиз. Қаерда ва қандай қилиб никоҳ шартномаси ҳақида дастлабки маълумотлар олиш мумкин? Бу вазиятни ҳал қилишда, онлайн хизматларни қайси туридан фойдаланиш ўринли. Бу вазиятни таҳлил қилинг: муаммони аниқлаш, бу ҳолда ҳаракатлар алгоритминини қуриш. Танловингизни изоҳланг.

46. Роботлаштириш (автоматлаштириш) ўрта маълумотли ходимларга ёки ёш ходимларга кўпроқ салбий таъсир кўрсатади. Савол: қайси соҳалар

(касблар ва ҳ.к.) Ўзбекистонда йўқолиб кетиш хавфи билан юзлашиши мумкин? Ва аксинча, рақамли жараёнларга ўтиш туфайли қандай янги соҳалар (касблар) пайдо бўлади?

47. Сунъий интеллект орқали иш унумдорлиги ва сифати ошиб бораётганлиги туфайли робототехникада жадаллашаётган тадқиқотларнинг ҳуқуқий соҳа учун қандай аҳамияти бор?.

48. Соғлиқни Сақлаш Вазирлигининг коронавирус бўйича 6 ойлик статистикасини тақдим қилди. Ушбу маълумотни қайси турдаги ахборотга тегишли эканлигини аниқлаш учун ҳуқуқий ахборот турлари тўғрисида маълумотга эга бўлиш лозим.

49. “Google презентации” иловасида тузилган тақдимотнинг слайдлари уларда берилган матн контекстига мос расми фон билан расмийлаштирилиши керак, бунда албатта сарлавҳа ва матн яққол ўқилиши, фондаги расм эса рангсизлаштирилиши лозим. Буни қандай амалга ошириш мумкин? Керакли амаллар кетма-кетлигини баён этинг.

50. Сунъий интеллектни қўллашнинг энг муҳим усулларида бири – юристларга ҳуқуқий тадқиқотларни тадқиқ қилишда ёрдам беришдир. Нейро-лингвистик дастурлаш (НЛП) имкониятларидан фойдаланиб, замонавий дастурлар муҳокама мавзусига тегишли бўлиши мумкин бўлган нарсаларни тушуниш учун тез ва самарали ишларни ва қарорларни тартиблайди. Бундан ташқари, маълумотлар ва алгоритмлардан фойдаланиб, сунъий интеллект суд ишлари натижаларини олдиндан башорат қилиши мумкин. Савол: суд тизими фаолиятини таҳлил қилиб, “сунъий интеллект”га қандай хизматларни ўтказишни тақлиф қилган бўлардингиз?